



# **TOG' VA TEKISLIK LANDSHAFTLARI BARQAROR RIVOJLANISHINING GEOGRAFIK ASOSLARI**

**Respublika ilmiy-texnik anjuman materiallari**

**9 sentabr  
Samarqand - 2023**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN VA  
INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**  
**SHAROF RASHIDOV NOMIDAGI SAMARQAND DAVLAT  
UNIVERSITETI**

**O‘ZBEKISTON GEOGRAFIYA JAMIYATI**



**O‘zbekiston Respublikasi Fan arbobi,  
geografiya fanlari doktori, professor  
Lapas Alibekovich Alibekov tavalludining  
85 yilligiga bag‘ishlangan “Tog‘ va  
tekislik landshaftlari barqaror  
rivojlanishining geografik asoslari”  
mavzusidagi ilmiy-texnik anjuman  
materiallari**

**Samarqand-2023**

**Tahrir hay'ati:**

**Ravshanov A.X.**, g.f.f.d. (PhD), dotsent (mas'ul muharrir);

**Abbasov S.B.**, g.f.d. professor, **Yarashev Q.S.**, g.f.d. (DSc), **Eshquvvatov B.B.**, g.f.f.d. (PhD), **Sabirova N.T.**, g.f.f.d. (PhD), **Ibragimov L.Z.**, g.f.d. (DSc), **Muxamedov O.L.**, g.f.n., dotsent, **Shirinboyev D.N.**, g.f.f.d. dotsent, **G'aniyev Z.A.** g.f.f.d. (PhD).

«**Tog' va tekislik landshaftlari barqaror riojlanishining geografik asoslari**» mavzusidagi respublika ilmiy-texnik anjumani materiallari (Samarqand, 2023 yil 9 sentabr). – Samarqand, 2023. – 145 b.

To'plamda Sharof Rashidov nomidagi Samarqand davlat universitetida 2023yil 9 sentabr kunlari bo'lib o'tgan «**Tog' va tekislik landshaftlari barqaror riojlanishining geografik asoslari**» mavzusidagi respublika ilmiy-texnik anjumani ishtirokchilarining ilmiy maqolalari chop etilgan. To'plamda kelirilgan maqolalar tog' va tekislik landshaftlarining o'zaro aloqadorlik xususiyatlari, tog' va tekislik landshaftlaridan foydalanishning ijtimoiy-iqtisodiy geografik jihatlari, tog' va tekislik landshaftlararo aloqadorlikda gidrologik omillarning ahamiyati hamda tog' va tekislik landshaftlaridagi geoeologik muammolarni yechimiga bag'ishlangan. Ushbu maqolalar to'plami geograf mutaxassislar, talabalar, magistrantlar, doktorantlar, o'qituvchilar, shuningdek, barcha zamonaviy geografiya faniga qiziquvchilar uchun mo'ljallangan.

и озер дельты Амударьи; снижения урожайности пастбищных угодий, которое подтверждается данными отдельных исследований и по которым оценивается местами до двукратного. Перечисленные факты однозначно характеризуют, во-первых, масштабы опасности опустынивания для устойчивого развития страны; во-вторых, расшифровывают его первопричину – иррациональное природопользование: в-третьих, отражают исчерпание лимитирующих природных ресурсов.

#### **Использованная литература**

1. Агесс П. Ключи к экологии. –Л.: Гидрометеиздат, 1982. – 96 с.
2. Алибеков Л.А. Феномен процесса опустынивания в аридных зонах/ Мат. межд. науч. конф. «Проблемы опустынивания в аридных зон. – Самарканд: Аэро-Сигма, 2000. – С. 9-12.
3. Атлас Узбекской ССР. Часть 1. – Москва-Ташкент: ГУГК, 1982. – 124 с.
4. Гидроэнергетика бассейна Аральского моря. Пресс-релиз. – Ташкент: Ташгидропроект, 1994. – 28 с.
5. Глазырин Г.Е., Чанышева С.Г., Чуб В.Е. Краткий очерк климата Узбекистана. Ташкент: Chinor ENK, 1999. – 272 с.
6. Давранова Н.Г., Шерфединов Л.З. Опустынивание Центральных Кызылкумов/ Мат. межд. науч. конф. «Проблемы опустынивания аридных зон». – Самарканд: Аэро-Сигма, 2000. – С. 63-64.
7. Ковда В.А. Аридизация суши и борьба с засухой. – М.: Наука, 1977. – 272 с.
8. Хамраев Н.Р., Давранова Н.Г. Проблемы борьбы с опустыниванием. «Проблемы освоения пустынь». – Ашхабад, №1, 1999. – С. 8-13.

## **КИЧИК ДЕЛЬТАЛАРНИНГ ДАРАХТСИМОН СТРУКТУРАЛАРИ ВА УЛАРДАГИ ТАБИЙ-ГЕОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРНИНГ ЎЗГАРИШ ҚОНУНИЯТЛАРИ**

**Уразбаев А.К.**

Чирчиқ давлат педагогика университети,  
География кафедраси профессори, география фанлари доктори

**Иброимов Ш.И.**

Чирчиқ давлат педагогика университети,  
География кафедраси таянч докторанти

**Аннотация.** *Мақолада ажратилган кичик дельталар дарахтсимон структуралари ва улардаги табиий-географик жараёнларнинг ўзгариши босқичма-босқич ёритилган. Шу билан бир қаторда шу кичик дельталарда рўй бераётган табиий географик жараёнларнинг ўзгариш қонуниятлари ҳамда илк бор генетик усули асосида ажратилган кичик дельталарнинг дарахтсимон ландшафт комплекслари функционал ёндашиши асосида уларда рўй бераётган табиий географик жараёнларнинг қонуниятлари очиқ берилди.*

**Калит сўзлар:** *кичик дельта, дарахтсимон, ландшафт, генетик, табиий-географик, қирғоқ, “тирик”, автоморф, район, тупроқ, грунт, Орол денгизи.*

**Аннотация.** *В статье поэтапно освещены древовидные структуры мелких дельт и изменения в них природно-географических процессов. В то же время на основе функционального подхода выявлены закономерности природно-географических процессов, происходящих в этих мелких дельтах, а также выделенные на основе генетического метода древесно-ландшафтные комплексы мелких дельт.*

**Ключевые слова:** *мелкие дельты, древесный, ландшафт, генетический, природно-географический, берег, «живой», автоморф, район, почва, грунт, Аральское море.*

**Abstract.** *In the article, the tree-like structures of small deltas and changes in natural-geographical processes are covered in stages. At the same time, on the basis of the functional approach, regularities of the natural-geographical processes occurring in these small deltas were revealed, as well as tree-landscape complexes of small deltas identified on the basis of the genetic method.*


**Key words:** *small deltas, arboreal, landscape, genetic, natural-geographical, coast, "live", automorph, area, soil, ground, Aral Sea.*

Агар биз Амударё ҳозирги дельтасидаги кичик дельталарнинг ҳосил бўлиш даврига эътибор берадиган бўлсак, дельтанинг энг бошланғич қисмидаги ўнг қирғоқда Қизкеткен-Чимбой, Шўртамбой кичик дельталари ҳосил бўлса, чап қирғоқда Ульдарё кичик дельтаси ҳосил бўлган. Маълум бир даврдан сўнг эса ўнг қирғоқда Эркиндарё кичик дельтаси ҳосил бўлса, чап қирғоқда Равшан кичик дельтаси ҳосил бўлган. Равшан кичик дельтасидан сўнг чап қирғоқда Окбошли ва Қипчоқдарё кичик дельталари ҳосил бўлса, ўнг қирғоқда бу даврда кичик дельта ҳосил бўлмаган. Энг сўнгги даврда эса ўнг қирғоқда Кўхнадарё-Қозоқдарё кичик дельтаси ҳосил бўлган, яъни Кўхнадарё-Қозоқдарё кичик дельтаси ёши бўйича Амударё ҳозирги дельтасида энг ёш дельта ҳисобланади. Бошқача сўз билан айтганда, Амударё ҳозирги дельтасида ҳосил бўлган кичик дельталарнинг саккизтаси ҳозирги дельтанинг кичик дельталари ҳисобланади. Фақат Киятджарган кичик дельтаси Амударё ҳозирги дельтасининг кичик дельтаси ҳисобланмайди, яъни Киятджарган кичик дельтасининг ҳосил бўлиш даври Сарикамиш дельтасининг ҳосил бўлиш даври билан боғлиқ. Бундай олиб қараганда, Киятджарган кичик дельтаси Сарикамиш дельтасининг қуйи қисмида ҳосил бўлган кичик дельта ҳисобланади [3].

Чап қирғоқда жойлашган Окбошли ва Қипчоқдарё кичик дельталари Г.В.Лопатиннинг маълумотиغا кўра, Амударё ҳозирги дельтасининг “тирик” қисми геоморфологик округига киради, яъни 1961 йилгача бу худудда гидроморф режимдаги ландшафтлар устунлик қилган [1]. Н.В.Кимберг ва бошқаларнинг маълумотларига кўра, худуднинг 80% и “тирик” дельтанинг қайир-аллювиаль тупроқлар тарқалган тупроқ-географик районида кирса, 20% и эса “тирик” дельтанинг автоморф тупроқлари тарқалган тупроқ-географик районида киради, яъни автоморф режимдаги тупроқлар Окбошли ва Қипчоқдарё кичик дельталарининг бошланғич қисмидаги ўзани бўйи баландликларида жойлашган. “Тирик” дельтанинг қайир-аллювиаль тупроқ-географик районида асосан ўтлоқ, ботқоқ-ўтлоқ ва қайир аллювиаль тупроқлари тарқалган. Окбошли ва Қипчоқдарё кичик дельталарининг автоморф режимдаги тупроқ-географик районида асосан ўтлоқ-тақирли ва қисман ўтлоқ-тақирли тўқай тупроқлари тарқалган [2].

Ана шунинг учун ҳам биз Амударё ҳозирги дельтасидаги кичик дельталарнинг дарахтсимон ландшафт комплексларини тадқиқ қилишда генетик ёндашувга алоҳида эътибор бердик. Г.В.Лопатин [1] ўзининг

“Амударё дельтасининг тузилиши ва унинг пайдо бўлиш тарихи” номли мақоласида Амударё ҳозирги дельтасини икки қисмга, яъни Амударё ҳозирги дельтасининг “тирик” қисми ва “автоморф” режимидаги жанубий қисм. Н.В.Кимберг, М.И.Кочубей, С.А.Шувалов [2] ўзларининг “Қорақалпоғистон АССРнинг тупроқлари” мақоласида Г.В.Лопатининг маълумотларини асос қилиб, Амударё ҳозирги дельтасида иккита геоморфологик округларни ажратади, яъни Амударё ҳозирги дельтасининг “тирик” қисми ва “автоморф” режимидаги жанубий қисм (1-расм). Бошқача қилиб айтганда, Амударё ҳозирги дельтасининг бу геоморфологик округлари ҳозирги вақтда рўй бераётган ландшафт ҳосил бўлиш жараёнлари, динамикаси ва трансформацияси бўйича бир-бирдан тубдан фарқ қилади.



1-расм. Амударё ҳозирги дельтасининг геоморфологик картаси (Н.В.Кимберг, М.И.Кочубей, С.А.Шувалов, 1964; “Қорақалпоғистон АССР нинг тупроқлари”, 6-чи бет. Орол денгизининг чегараси 1961 йил маълумоти бўйича берилган). 1- Амударё ҳозирги дельтасининг “тирик” қисми; 2- Амударё ҳозирги дельтасининг “автоморф” режимидаги жанубий қисми; 3- Қолдик қирлар.

Оқбошли ва Қипчоқдарё кичик дельталарида 1961 йилгача грунт сувларининг чуқурлиги ўзанбўйи баландликларида 3-5 м бўлса, ўзанлараро пастликларда ва кичик дельталарнинг қуйи қисмларида 0-3 м бўлган, яъни

грунт сувларининг Ер юзига яқин жойланиши гидроморф режимидаги тупроқларнинг ҳосил бўлишида асосий омил бўлиб ҳисобланади. Шу билан бир қаторда, грунт сувларининг минераллашув даражаси ҳам кўп бўлмай, бир литр сувда уларнинг миқдори асосан 0,2-0,5 г/л, камдан-кам ҳолларда эса 0,5 г/л дан кўп. Грунт сувларининг таркибида тузларнинг кам бўлиши ўз навбатида шўрхоқларнинг вужудга келишига шароит ярата олмайди. Бир сўз билан айтганда, 1961 йилгача бу ҳудудда гидроморф режимидаги ландшафтларнинг ҳосил бўлишига грунт сувларининг яқинлиги асосий омилдир [4].

Амударё ҳозирги дельтасидаги барча кичик дельталарда устунлик қилаётган автоморф режими ўз навбатида Оқбошли ва Қипчоқдарё кичик дельталарида ҳам асосан 1961 йилдан сўнг ривожланган. Бу икки кичик дельталарнинг ҳудудлари ҳозирги даврда ҳам суғорилмайди. Ана шунинг учун ҳам бу кичик дельталарнинг юқори қисмидан қуйи қисми томон шўрланиш ва чўлланиш жараёнлари тартиб билан ортиб боради. Кичик дельталарнинг юқори қисмида асосан ўтлоқ-тақирли тўқай ва қисман ўтлоқ-тақирли тупроқлар тарқалган. Кичик дельталарнинг ўрта қисмида эса асосан ўтлоқ-тақирли ва ўтлоқ тупроқлар устунлик қилади. Кичик дельталарнинг қуйи қисмида 1961 йилги маълумот бўйича Орол денгизи билан чегарадош ҳудудларда ўтлоқ-тақирли қолдиқ-ботқоқ, қумли чўл тупроқлари ва қумлар билан типик шўрхоқларнинг комплекслари кенг майдонни эгаллайди.

Агар биз бу кичик дельталарнинг ички структурасини таҳлил қиладиган бўлсак, Оқбошли кичик дельтасининг ўзанбўйи баландликларидан “шоҳланувчи” баландликлар ғарб ва шимоли-ғарб томон йўналган бўлса, Қипчоқдарё кичик дельтасида эса ўзанбўйи баландликларидан “шоҳланувчи” баландликлар асосан шимол, шимоли-шарқ ва шарқ томон йўналгандир. Қипчоқдарё кичик дельтасининг ўрта қисмидаги ўзанбўйи баландликлари билан Амударё ўзанбўйи баландликлари оралиғида жуда катта майдонни пастликлар эгаллаб ётади. Бу ҳудудда асосан шўрхоқларнинг ҳар хил турлари тарқалган. Шу билан бир қаторда бу пастликларда келажақда сунбий сув ҳавзасини ташкил этиб, балиқчиликда фойдаланиш мумкин. Бошқача сўз билан айтганда, Оқбошли ва Қипчоқдарё кичик дельталари Амударё ҳозирги дельтасининг чап қирғоғидаги энг сўнгги кичик дельталари бўлиб, бу ҳудудда рўй бераётган шўрланиш ва чўлланиш жараёнларига Орол денгизи қуриган қисмининг таъсири жанубда жойлашган кичик дельталарга нисбатан кучли бўлади.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, 1. Лито-морфо-педогенез жараёнида ҳосил бўлган кичик дельталар ҳар қандай шароитда ҳам ўзларининг ўзгармас дарахтсимон структурасини сақлаб қолади; 2. Шимолдаги “тирик” қисмда жойлашган кичик дельталардаги (Эркиндарё, Раушан, Кунядарё-Қозоқдарё, Кипчоқдарё, Оқбошли) табиий географик жараёнларга қуриган Орол денгизининг таъсири кучлидир; 3. Жунубда жойлашган кичик дельталардаги (Қизкеткен-Чимбой, Шўртамбой, Киятджарган, Улдарё) табиий географик жараёнларга асосан суғорма

деҳқончиликнинг таъсири кучли бўлиб, қуриган Орол денгизининг таъсири кучли эмас; 4. Кичик дельталар ўзгармас дарахтсимон структурасини сақлаган ҳолда табиий географик жараёнлар объектларнинг ички структураси билан алоқадорлиги сабабли улар бир-биридан фарқ қилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Лопатин Г.В. Строения дельта Амударьи и история ее формирования // Тр.лаборатории. озероведения.-М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1957.-Т.IV.-С.5-34
2. Кимберг Н.В., Кочубей М.И., Жувалов С.А. Почвы Каракалпакской АССР // Почвы Узбекской ССР. -Ташкент: Изд-во Узбекистан, 1964. - Т. 3. – С. 5-132.
3. Уразбаев А.К. Дифференциация и упорядоченность формы земной поверхности //ДАН РУз.-2000.-№7-С.43-45.
4. Уразбаев А.К. Кичик дельталарнинг дарахтсимон ландшафт комплекслари // ДАН РУз.-2021.-№4.-С.90-92.

## **ЭКОЛОГО-ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ И ОХРАНЫ ГОРНЫХ РЕГИОНОВ: АДАПТАЦИЯ И СОЗДАНИЕ АДЕКВАТНОЙ СЕТИ ОХРАНЯЕМЫХ ГОРНЫХ ТЕРРИТОРИЙ И СИСТЕМЫ ХОЗЯЙСТВОВАНИЯ (НА ПРИМЕРЕ УЗБЕКИСТАНА)**

**Джумаев Т.Д.**

почётный профессор Ташкентского государственного экономического университета, доктор географических наук, профессор

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистоннинг тоғли ҳудудларини барқарор ривожлантириши ва муҳофаза қилишнинг экологик-географик хусусиятлари кўриб чиқилган. Кўриқланадиган тоғ ҳудудлари табиати ва тоғли ҳудудларни муҳофаза қилиши тизимлари тармоғини яратилиши кўрсатилган. Тоғларни барқарор ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари белгилаб берилган.

**Калит сўзлар:** тоғ, барқарор ривожланиши, муҳофаза қилиши, тоғ табиати, геотизимлар, экология, тоғли ҳудудлар хўжалиги.

**Аннотация.** Рассматриваются эколого-географические особенности устойчивого развития и охраны горных территорий Узбекистана. Показан сложный характер адаптации, создания сети охраняемых горных территорий и систем хозяйствования. Намечены перспективные направления устойчивого горного развития.

**Ключевые слова:** горы, устойчивое развитие, охрана природы, горная экономика, геосистемы, экология, хозяйства горных районов.

**Abstract:** Ecological and geographical features of sustainable development and protection of mountainous territories of Uzbekistan are considered. The complex nature of adaptation, creation of a network of protected mountain territories and management systems is shown. Promising directions of sustainable mountain development are outlined.

**Keywords:** mountains, sustainable development, nature protection, mountain economy, geosystems, ecology, mountain farms.

**Введение.** На фоне господства в Узбекистане экстремального пустынно-равнинного пространства (70% территории и 1-2% населения страны) и ведущей роли в социально-экономическом развитии плотно

## MUNDARIJA:

<b>Abbasov S.B. Ravshanov A.X.</b>	“Geoparalar”lar nazariyasi asoschisi va dunyo tan olgan geograf olim.....	4
<b>Жумабоев Т.Ж. Мухамедов О.Л.</b>	Дунё тан олган олим профессор Л.А.Алибековни хотирлаб.....	5
<b>Журакулов Х. Хайдаров С.</b>	Устоз ҳақида сўз.....	7
<b>Хакимов К.М. Рахимова У.</b>	L.A. Alibekov va uning «Inson va tabiat» kitobi haqida ...	10
<b>Рафиков В.А. Ахмаджонов А.И.</b>	Соле-песчаные и пылевые бури прогрессирующие с обсохшего дна Аральского моря и меры борьбы с их последствиями.....	14
<b>Рафиков В.А. Рафикова Н.А.</b>	Опустынивание – опасный феномен в кортеже экологических опасностей.....	17
<b>Уразбаев А.К. Иброимов Ш.И.</b>	Кичик дельталарнинг дарахтсимон структуралари ва улардаги табиий-географик жараёнларнинг ўзгариш қонуниятлари.....	22
<b>Джумаев Т.Д.</b>	Эколого-географические особенности устойчивого развития и охраны горных регионов: адаптация и создание адекватной сети охраняемых горных территорий и системы хозяйствования (на примере Узбекистана).....	26
<b>Рахматов Ю.Б.</b>	Ландшафтларнинг морфологик бирликлари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги.....	40
<b>Komilova N.K. Qalandarova M.K.</b>	Tog‘li hududlarni o‘rganishning ayrim geografik jihatlari..	44
<b>Алибекова С.Л.</b>	Туристско – рекреационный потенциал узбекистана и перспективы его развития.....	48
<b>Алимкулов Н.Р.</b>	Мирзачўл табиий географик райони ландшафтларининг тадқиқ этилиш хусусиятлари.....	52
<b>Федорко В.Н.</b>	Природно-хозяйственное районирование кашкадарьинского округа.....	62
<b>Ярашев Қ.С. Эшқувватов Б.Б.</b>	Конуссимон ёйилмалар - тоғ ва текислик алоқадорлиги маҳсули.....	69
<b>Qo‘ziboyeva O.M.</b>	Shahimardonsoy va Isfayramsoy daryolariningning Farg‘ona viloyati xalq xo‘jaligida tutgan o‘rni.....	75
<b>Ibragimov L.Z. Boboyev Sh.X.</b>	Samarqand viloyatida agrosanoat klasterlarini rivojlantirishning geografik baholash.....	79
<b>Usmonov M.R. Qahramonova I.N.</b>	Ekologik turizmning ba‘zi bir nazariy masalalari.....	83
<b>Bayqabilov X.M.</b>	Afrika poytaxt shaharlari: tarixiy-geografik xususiyatlari...	88
<b>Janzakov A.B. Norbutaev B.E.</b>	Tabiiy geografiyani o‘qitishda o‘quvchilarda mustaqil va ijodiy faoliyatini tarkib toptirish.....	96